

А.Т. Ниёзов<sup>1</sup>  
В.Э. Умаралиев<sup>2</sup>

## ЁШЛАР ИЖТИМОЙ ҲИМОЯСИ ДОИМИЙ ЭЪТИБОРДА

**Аҳолини ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватлашнинг асосий мақсади аҳоли фаровонлигини яхшилаш, жамият томонидан ҳар бир кишига муносиб ҳаёт даражасини таъминлашга ёрдам беришдан иборатдир.**

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримов 2015 йил 6 февраль куни Ўзбекистон Леберал Демократик Партиясининг еттинчи съездида Ўзбекистон аҳолиси ҳозирги кунда 31,5 миллионга етганлигини, мустақиллик йилларида 10,5 миллионга кўпайиб, 18 ёшгача бўлган ёшлар умумий аҳолининг 40 фоизини, 30 ёшгача бўлганлар эса 64 фоизини ташкил этаётганлигини қайд этиб ўтди. Бундай кўрсаткичлар мамлакатимизнинг асосий меҳнат муносабатлари субъектини ташкил этувчи ёшларга алоҳида эътибор берилишини тақоза этади.

Маълумки, 1991 йил 20 ноябрда Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид Давлат сиёсати асослари тўғрисида”ги Қонуни қабул қилинган. Ушбу қонуннинг 1-моддасида “Ёшларга оид сиёсат Ўзбекистон Республикаси давлат фаолиятининг устувор йўналиши бўлиб, унинг мақсади ёшларнинг ижтимоий шаклланиши ва камол топиши, ижодий иқтидори жамият манфаатлари йўлида имкони борича тўла-тўқис рўёбга чиқиши учун ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий, ташкилий жиҳатдан шарт-шароит яратиш ҳамда уларни кафолатлашдан иборат” эканлиги белгиланган.

Жорий йилнинг 17 январь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг мамлакатимизни 2014 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2015 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасида бюджет ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, пенсия ва стипендиялар ўтган йили 23,2 фоизга ошганлиги, аҳоли жон бошига реал даромадлар 10,2 фоизга кўпайганлиги, 2014 йилда қарийб 1 миллион иш ўринлари ташкил этилиб, уларнинг 60 фоизи қишлоқ жойларда эканлиги, таълим муассасаларининг 600 мингдан ортиқ битирувчилари ишга жойлаштирилганлиги қайд этилди.

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси Фуқаролик ҳуқуқи фанлари кафедраси бошлиғи подполковник.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси Фуқаролик ҳуқуқи фанлари кафедраси доценти в.б., ю.ф.н.,

Бу каби натижаларга эришишнинг асосини албатта узоқни ўйлаб амалга оширилаётган ислохотлар, фуқароларнинг меҳнатига яраша адолатли ҳақ тўланиши, аҳоли турли қатламларининг ижтимоий муҳофазаси тўлиқ ҳисобга олинганлиги, айниқса келажак авлодга – ёш мутахассис кадрларга бир қатор имтиёзлар берилишини назарда тутган Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2014 йилнинг 6 февралда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори муҳим аҳамият касб этади.

Европа давлатларининг аҳолини, айниқса ёшларни иш билан таъминлаш борасидаги фаолиятига назар ташласак, мамлакатимизда ёшларга қаратилаётган эътибор таҳсинга лойиқдир. Масалан, оммавий ахборот воситаларида эълон қилинган маълумотларга кўра жумладан, Италия миллий статистика институти (ISTAT) маълумотларида мамлакатда ишсизлик даражаси 13,4 фоизга етиб, бундай салбий кўрсаткич 1977 йилдан буён қайд этилмаганлиги, ёшлар бандлигини таъминлаш масаласи жиддий муаммо бўлиб, уларнинг 43,9 фоизи иш жойига эга эмаслиги қайд этилган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримов 2014 йил 6 декабрь куни Конституциянинг 22 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги **“Мамлакатимизни демократик янгилаш ва модернизация қилишга қаратилган тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириш – бош мақсадимиздир”** номли маърузасида “Жаҳон тарихи барчамизга бир ҳақиқатни доимо эслатиб туради – ҳаётимиз тараққиёти ҳеч қачон бир жойда тўхтаб турмайди, худди шу каби жамиятимизни ислоҳ этиш ва демократлаштириш, мамлакатни модернизация қилиш ва янгилаш бир муддатлик иш эмас, балки мунтазам давом этадиган узлуксиз жараёндир. ... бундай шароитда фақат эришган ютуқлар билан чекланиб қолмасдан, жадал ўзгариб бораётган давр билан ҳамнафас бўлиб қадам ташлайдиган мамлакатгина ўз эзгу мақсадларига эришиши мумкин” – деб таъкидлаган эдилар.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 32-моддасига асосан “ҳар бир фуқаро меҳнат қилиш, эркин касб танлаш, адолатли меҳнат шароитларида ишлаш ва амалдаги қонунчиликда белгиланган тартибда ишсизликдан ҳимояланиш ҳуқуқига эгадир”.

Шу сабабли, меҳнатга қобилиятли бўлган, қонунда кўрсатилган ёшга тўлган ҳар бир шахс ўз мутахассислиги бўйича ишга қабул қилиниши лозим.

2014 йилнинг уч чораги давомида фақатгина Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлигининг “Ишонч телефони” ҳамда “Ягона интерактив давлат хизматлари портали” орқали эса мингдан зиёд мурожаатлар қабул қилинганлиги, шулардан, 4 фоизи таълимга доир, 16,5 фоизи ижтимоий ҳимояга доир қонун ҳужжатлари юзасидан, шунингдек уй-жой, меҳнат шартномалари билан боғлиқ низолар, суд қарорлари бўйича ариза ва шикоятлар ташкил этиши тўғрисида ахборот берилган.

Таъкидлаш лозимки, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг XIV боб, 2-параграфи Ёшлар учун қўшимча кафолатлар деб номланиб 239-247<sup>1</sup>-моддаларини қамраб олиб, мазкур моддалар вояга етмаган шахсларнинг меҳнат қилиш ҳуқуқини кафолатлайди.

Мамлакатимизда ҳар бир фуқарога, айниқса ёшлар ва вояга етмаганларнинг иш билан таъминланиши барча турдаги қонун ва қонун ости ҳужжатлари билан кафолатланганлиги диққатга сазовардир. Шу билан бирга, ҳозирги кунда вояга етмаганларни иш билан таъминлаш масаласи энг асосий вазифа сифатида бир қатор ишларни амалга оширишни талаб этмоқда. Бу борада қонунларга киритилаётган ўзгартиш ва қўшимчалар алоҳида аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Президенти Ислон Каримовнинг мамлакатимизни 2014 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2015 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасидан келиб чиққан ҳолда, вояга етмаганларни иш билан таъминлаётган корхона ва ташкилотларга бир қатор солиқ имтиёзлари ва преференциялар берилса, бу борадаги амалга оширилаётган ишларнинг яна бир юқори поғонага кўтарилишига замин яратади.

Демак, бу соҳада мавжуд муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишни янада такомиллаштириш мақсадга мувофиқдир. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 158-моддаси 6-банди 2-хатбошиси матнидаги “Ишловчилар умумий сонининг 3 фоизидан кўпроғини ногиронлар...” сўзидан кейин “ўн саккиз ёшга тўлмаган шахслар” деган сўзлар билан тўлдирилса, бу ўз навбатида иш берувчиларнинг манфаатларини рағбатлантириш орқали янги иш ўринларини яратиш учун қўшимча имкониятлар беради.